XALQ DEPUTATLARI CHINOZ TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 8 - yanvar VI-41-1-10-144-K/22 Chinoz tuman hokimligi

Чиноз туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ва Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 8 январдаги "Тошкент вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-44-4-10-0-K/22-сонли Қарорини инобатга олиб, туман ҳокимлиги Молия бўлими мудири М.Абдуллаевнинг ахборотини тинглаб, халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сон Қонуни, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 8 январдаги "Тошкент вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-44-4-10-0-K/22-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман маҳаллий бюджетидан 2022 йилги бюджет маблағлари тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорига мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкалари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 241 973,0 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармаси тасдикланган туман маҳаллий бюджет умумий ҳаражатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилади.

Туман маҳаллий бюджетини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда захира жамғармасининг белгиланган миқдори қайта кўриб чиқилмайди.

Вилоят маҳаллий бюджетининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу қарорга ўзгартиришлар киритилмайди.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағлари туман маҳаллий бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

8. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Юридик шахлар бўйича мол-мулк солиқлари учун қўлланиладиган мутлоқ миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно);

давлат мулки бўйича ижара тўловларидан тушадиган тушумлар;

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар

берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

ер участкаларига бўлган мулк ва ижара ҳуқуқини ауксион орқали сотишдан келиб тушган пул маблағлари;

давлат активларини жойлаштириш ва сотиш (хусусийлаштириш)дан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

туман ва шаҳар даражасида бўлмаган бошқа даромадлар;

в) вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида қуйидаги солиқ турлари бўйича тақсимланади:

бензинни, дизел ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализатсия қилишдаги аксиз солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, (электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ бундан мустасно).

Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўланадиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари) 42 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) 40 фоизи миқдоридаги тушумлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин;

г) Тамаки маҳсулотлари, мобил алоқа хизматлари учун аксиз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан, пиво учун аксиз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июл ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ўтказиб берилади.

Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури вилоят бюджетига ўтказилади.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Юлдашев, туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Абдуллаев), туман давлат солиқ инспекцияси (У.Бахромов) тумандаги масъул бўлим ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (У.Бахромов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

14. Туман Давлат солиқ инспекцияси (У.Бахромов), Кадастр агентилиги туман бўлими (Ж.Кучкоров) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

15. Туман маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар Халқ депутатлари туман Кенгаши қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва вилоятга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

16. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

17. Туман ҳокимлиги ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

18. Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

19. Вазирлик идораларининг шунингдек, вилоят ташкилот ва идораларининг туманда ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича тузилган йўл харитасига ҳамда йиғилиш баёнларига асосан туман маҳаллий бюджетининг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

20. Туман ҳокимлиги тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

21. Чиноз тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (А.Мавлонов) Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари, бюджет шаффофлиги ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

22. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Рўзи-Қориев ҳамда туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқаритиш масалалари бўйича биринчи ўринбосари У.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Б. Алимбеков**

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
1-илова

Тошкент вилояти Чиноз туман бюджетининг
2022 йил даромадлар кўрсаткичлари

№	Даромад тури	минг сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1 501 033,0
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	*2 269 726,0*
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	*12 010 376,0*
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	1 514 058,0
5	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	4 740 947,0
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	2 792 462,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 738 045,0
8	Юридик шахслар ер солиғи	8 677 266,0
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 091 182,0
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	1 850 092,0
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 683 763,0
12	Давлат божи	0
13	Жарималар	0
14	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	0
15	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	308 639,0
16	Йиғимлар	0
17	Хусусийлаштириш	0
18	Бошқалар	0
ЖАМИ		**46 177 589,0**
Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад		**22 170 201,0**
19	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	8 390 995,0
20	Мобиль алоқа хизмати	4 780 494,0
21	*Тамаки маҳсулотлари акциз солиғи*	*8 998 712,0*
ЖАМИ ДАРОМАД		**68 347 790,0**

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
2-илова

Тошкент вилояти Чиноз туман бюджетининг
2022 йил учун ажратиладиган харажатларнинг миқдорлари

Кўрсаткичлар		минг сўмда
	ХАРАЖАТЛАР-ЖАМИ	**131 649 175,0**
1.	**ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХАРАЖАТЛАР - ЖАМИ**	**98 466 923,0**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	16 366 017,0
	- мактабгача таълим	6 646 208,0
	- умумий таълим	9 719 809,0
1.2	Соғлиқни сақлаш	54 150 342,0
	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	28 312,0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	4 095 775,0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 759 909,0
	- спорт	2 335 866,0
1.4	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	23 715 496,0
1.5	Ижтимоий кўникма марказлари	110 981,0
2.	**ИҚТИСОДИЁТГА ХАРАЖАТЛАР**	**11 184 043,0**
	шу жумладан:	
2.1	Фермерлар хўжаликлари бухгалтерия марказлари	259 740,0
2.2	Ободонлаштириш	7 224 672,0
2.3	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	1 880 493,0
2.4	Ветеринария қўмитаси	962 125,0
	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	857 013,0
3.	**ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**9 321 927,0**
	шу жумладан:	
3.1	Давлат бошқарув идоралари	9 321 927,0
4.	**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ САҚЛАШ**	**5 224 442,0**
5.	**ЗАҲИРА ЖАМҒАРМАСИ**	**1 241 973,0**
6.	**Фуқаролар ташаббуси жамғармаси**	**6 209 867, 0**

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
3-илова

**Тошкент вилояти Чиноз туман бюджетига
2022 йилда вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга
солувчи бюджетлараро трансферт миқдори**

минг сўмда

Туман	**Сумма**
Чиноз тумани	63 301 385,0

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
4-илова

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича туман ер солиғи ставкалари учун 2022 йилда белгиланган коэффициентлари

Т/р	Туман номи	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, 1 Га учун		Жисмоний шахслар бўйича, 1 кв.м учун	
		Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг сўмда)	Коэффициент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
	Чиноз тумани	**1,00**	**29 532,0**	**1,00**	**270,0**
1	Ойдин МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
2	Янги Хаёт МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
3	Каттатепалик МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
4	Гулзоробод МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
5	Ёввош МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
6	Йултушган МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
7	Ёллама МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
8	Сохибкор МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
9	Қир МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
10	Чинмасжиж МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
11	Дехқонбод МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
12	Тиллатопган МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
13	Очамайли МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
14	Навоий МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
15	Хўжа МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
16	У.Носир МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
17	Истиқлол МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
18	Дўстлик МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
19	Ахиллик МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
20	Наврўз МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
21	А.Темур МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
22	Тиллаобод МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
23	Яхши-ният МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
24	Тинчлик МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
25	Янги махалла МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
26	Бунёдкор МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
27	Бешкапа МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
28	Янгиобод МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
29	Маданият МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8
30	Самарқанд МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8
31	Тонг юлдузи МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8
32	Ғайрат МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8

33	Эхтиром МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
34	Улуғвор МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
35	Исломобод МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
36	Кўтарма МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
37	Эшонобод МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8
38	Каналобод МФЙ	0,94	27 760.1	0,81	196,8
39	Хамза МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
40	Пахтаобод МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
41	Ёшлик МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
42	Марказий МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
43	Обихаёт МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
44	Нафис МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
45	Мевазор МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
46	Боғбон МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
47	Расулобод МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
48	Бирлик МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
49	Чорвадор МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
50	Ҳумо МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
51	Сутчилар МФЙ	1,00	29 532.0	0,93	226,0
52	Сутбулоқ МФЙ	0,94	27 760.1	0,90	218,7
53	Қози МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
54	Сарбозор МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2
55	Авғон МФЙ	1,30	38 391.6	1,40	340,2

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
5-илова

Тошкент вилояти Чиноз туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Чиноз тумани	974 589,0

Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
6-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Туман номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмол-чиларга реализация қилишдаги акциз солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Сув ресурсларидан фойдаланган-лик учун солиқ	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бундан мустасно)
1	Чиноз тумани	30	20	80	80	80	30	100	100

Халқ депутатлари Чиноз туман
Кенгашининг
2022 йил 8 январдаги
VI-41-1-10-144-K/22-сон қарорига
7-илова

Юридик шахслар бўйича мол-мулк солиқлари учун қўлланиладиган мутлоқ миқдорлари

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (мутлоқ миқдор)**	**Белгиланган қиймат (сўмда)**
1	Чиноз тумани	1,00	1 000 000,0